

Барча тадбиркорлар диққатига!

 [Sahifani PDF tarzda yuklab olish \(53 Kb\)](#)  [Versiyasi](#)  [Sahifani doc tarzda yuklab olish \(53 KB\)](#)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 3 майдаги 5032-сон Фармони билан ташкил этилган «Нукус фарм» ЭИЗ - бу республикада фармацевтика соҳасида бизнесни ривожлантиришга ва инвестиция жалб қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай, алоҳида шароитларга эга универсал майдон.

«Нукус-фарм» ЭИЗ ташкил этиш мақсади.

Республикада фармацевтика соҳасини ривожлантириш, доривор воситалар бозорин ўзимизда ишлаб чиқариш, янги иш ўринларин яратиш, Қорақалпоғистон Республикаси ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари салоҳиятларидан тўлиқ фойдаланиш.

«Нукус-фарм» ЭИЗ фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режимлари амал қилади.

Иштирокчилари киритилган инвестиция миқдоридан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан 10 йилгача муддатка қўйидаги тўловлардан озод қилинади.

Ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузулмани риводлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови, бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар (пенсия жамғармасидан ташқари), божхона туловлари (божхона расмийлаштириш йиғимларидан ташқари)

Тижорат банкларида «Нукус-фарм» ЭИЗ иштирокчилари учун белгиланган тартибда кредитлар ажратилади ва гаров таъминоти бўлмаган ва етишмаган ҳолатларда ускуналар лизинг асосида берилади.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизларни кичик саноат зоналари иштирокчиси бўлишга таклиф этамиз.

«Қорақалпоғистон Республикаси кичик саноат зоналари дирекцияси»

Маълумот учун телефонлар: 222-59-55

31.03.2018 12:08 da elon qilingan, marta korib chiqildi